

“ГИДРОТЕХНИКА ИНШОТЛАРИДАГИ АВАРИЯЛАР”

Муқимов Илҳом Муродиллаевич

Муаллиф Қашқадарё вилояти Фавкулудда вазиятлар бошқармаси

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқитиш маркази ўқитувчиси

ГТИ муҳофаза қилиш ФВ ни олдини олишнинг энг асосий омилларидан бўлиб, аввало ГТИ ни туғри лойihalаш ва қуриш, улардан туғри фойдаланиш, булардан ташқари ГТИ ахволини доимо кузатиб туриш, уни ишончли қўриқлаш ишларини олиб бориш талаб этилади.

Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш чоралари:

якши йулга қўйилган ахборот хизматининг бор бўлиши. (ГСС, гидромет ва бошқ.)

доимо ва самарали ишловчи хабар бериш тизимининг бўлиши.

ГТИ ходимларининг уюшқоқлиги, билимдонлиги ва интизомлилиги.

эҳтимоли бор ҳалокатли сув босиш зонасида истиқомат қилувчи аҳолининг ФВ даги хатти-харакатларга тайёргарлик қурганлиги.

Кириш

Инсонлар ақл - идроки ва амалий меҳнати эвазига бунёд этилган у ёки бу иншоотларнинг бирор ташқи куч ёки табиий офат туфайли ишлаш мувозанатининг бузилиши оқибатида келиб чиқадиган ноҳуш ҳолатни вужудга келишига сабабчи бўлган конструкцияси қисмлари ёки қурилиш технологиясидан четга чиқиш бўлганлигини тез аниқлашга ёрдам беради.

Биз инсон ҳаёти учун ўта зарур бўлган табиат неъматини сув ва у туфайли бунёд этилган иншоотлар ҳақида қисқача тушунчалар ва улардан содир этилиши мумкин бўлган турли ноҳуш оқибатларни олдини олиш ва фуқаролар муҳофазаси чоралари ҳақида фикр юритишни мақсад қилиб қўйдик.

“Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари шунчаки мавҳум характерда бўлмайди.

Ҳар қайси минтақада ўз хусусиятлари, хавф соладиган ўз манбалари ва хавфсизликни сақлайдиган ўз омиллари бўлади” И.А.Каримов.

Гидротехник ҳалокатлар ва авариялар юз берганда ФВ га олиб келувчи асосий сабаблари.

Гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасизда 1999 йил 20 августда “Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида” қонун қабул қилинди.

Марказий Осиёда гидротехник иншоотларнинг ишончли ва узлуксиз, умуман олганда хавфсиз фаолият юритишини таъминлаш ўта муҳим ҳисобланади.

Дунё миқёсида сув омборларининг дамбалари ва бошқа гидротехник иншоотларни ишлатиш тажрибаси шуни кўрсатадики, иншоотлар 30-40 йилдан ортиқ ишлаётган бўлса, у иншоотлар авария (бузилиш) ҳолатига тушиб, катта майдонларда фавқулодда ҳолатларга олиб келиши мумкин ва натижада инсонлар ҳаётига, мамлакат иқтисодиятига оғир мусибат келтириши мумкин.

Гидротехника иншоотларини аварияларини олдини олиш бўйича ўз вақтида кўрилган чоралар, уларни содир бўлгандан кейин кўрилган чораларга нисбатан ҳам самарали ҳам кам чиқимлидир.

Гидротехник иншоотлар – тўғонлар, сув ташлаш, сув бўшатиш, сув ўтказиш, насос станциялари, сув чиқариш иншоотлари, тоннеллар, гидроэлектр станциялари бинолари, каналлар, сув омборлари қирғоклари, дарё ва каналлар ўзанлари ва тубини тошқин ҳамда емиришлардан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган иншоотларга айтилади.

Гидротехника иншоотлари қуйидаги турларга бўлинади, улар жумласига;

сув – энергетика иншоотлари;

сув таъминоти иншоотлари;

суғориш иншоотлари;

сув оқава чиқариш иншоотлари;

сув – транспорт иншоотлари;

балиқ хўжалик иншоотлари;

спорт иншоотлари ва ҳоказо;

Табиий тўғонлар ўз навбатида табиий Сунъий тўғонларга инсонлар ва ходисалар оқибатида пайдо бўлади техника ёрдамида вужудга буларга зилзила, кўчки, сел ва жала келтирилиб буларга каналлар, ҳамда ирмоқлар, сойлар, дарёлар, дюкерлар, ГЭСлар, шлюз, тўғонлар, кўллар, денгиз ва океанларни мисол сув омборлари, насос тарихида айтиб ўтишимиз мумкин. станцияларини кўрсатиб ўтамиз.

Табиий тўғонлар – табиат ходисалари (кўчкилар, селлар, қор кўчкилари, зилзилалар ва бошқалар)нинг таъсирида ҳосил бўлади.

Хавф туғдирувчи кўллардан бири Тожикистон Республикаси тоғли Бадохшон Муҳтор вилояти ҳудудида Помир тоғининг марказий қисмида жойлашган Сарез кўлидир.

Сарез кўли (Табиий) 1911 йил 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси 9 баллик кучли зилзила туфайли Муғроб водийси ёнбағирларида тарихда мисли кўринмаган тоғ ўпирилиб, кўчки рўй берди.

Кўчки Муғроб дарёсини бутунлай тўсиб қўйди ва Усой қишлоғини тўлиғича кўмиб ташлайди. Бутун бошли қишлоқни барча аҳолиси тупроқ тош уюми остида қолиб ҳалок бўлади ва бу тоғ кўчкисидан ҳосил бўлган уюм “Усой уюми” деган ном олади. Юзлаб тонна ҳажмидаги тоғ жинслари сурилиб бориб, Муғроб дарёсини водийсини тўсиб жуда

катта кўл, жаҳонда энг йирик тоғ кўли ҳосил бўлади. Ҳавзасида тўпланиб ҳосил бўлган сув Сарез қишлоғини бутунлай босиб қолади. Шунинг учун кўлнинг номи Сарез кўли деб аталган. Зилзила Барчадив, Нисур, Сахноб ва Рухт қишлоқларини тўла вайронага айлантирди. Ҳозирги вақтда мавжуд маълумотларга асосланиб Сарез кўли ва Усой уюмини ҳолати ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Бугунги кунда ушбу тоғ кўлининг юзаси 80 км² узунлиги 60 км чуқурлиги эса 500 метрни ташкил этади, умумий сув миқдори 19 миллиард кубометрни ташкил этади.

Террорчилик ва қўпоровчилик ҳаракат шароитида ёки ФВ жараёнида гидротехник иншоотларга маълум хавф туғдиради масалан, Чорбоғ сув омбори сифими 2 млрд куб метр сув мавжуд бўлиб тўғонни бузилиши содир бўлганда, шаҳарнинг Чирчик дарёсига яқин қисмида жойлашган объектлари ва аҳоли пунктлари ҳалокатли сув босиш ҳудудига айланади.

Ҳалокатли сув тошқинида Тошкент вилоятидаги саноат корхоналари турар жой бинолар, экин майдонлари катта зарар кўриши мумкин.

Худди шундай ҳалокатлар бошқа сув омборларини бузилиши натижасида ҳам юзага келади.

Тўғоннинг бузилиши содир бўлганда, шаҳарнинг Чирчик дарёси бўйлаб жойлашган объектлари ва аҳоли пунктлари бўйича келиб, ҳалокатли сув босиш ҳудудига айланади. Қибрай, Бўстонлик, Тошкент шаҳри, Зангиота, Янгийўл, Чиноз, Сирдарё вилоятини айрим ҳудудларини сув босиш эҳтимоли бор.

Гидродинамик ҳалокат турлари ва сабаблари қуйидагилардан иборат:

- Гидротехника иншоотларига уларни бузилишига олиб келувчи қуйидаги емирувчи кучлар доимо таъсир кўрсатиб туради: сув оқими, тебраниш, балчиқ- чўкиндилар, ўзгарувчи ҳарорат, динамик кучлар, металл занглаши, бетоннинг суюқликка қоришиб ювилиши, ернинг ювилиб кетиши ва хоказо.

- Шу сабабли, вақт ўтган сари, режага кўра бажариш лозим бўлган таъмирлаш ишлари амалга оширилмаса иншоот емирилиб, унга ёндош ҳудудни сув босиш эҳтимоли орта боради.

Республикамиз вилоятларида қуйидаги Сув Омборлари мавжуд:

Андижон вилояти	Самарқанд вилояти
■ Андижон	■ Оқдарё
■ Асака – адир	■ Қорасув
■ Отчопар	■ Қоратепа
Жиззах вилояти	■ Каттақўрғон
■ Арнасой	■ Тўсинсой
■ Жиззах	Сурхондарё вилояти
■ Зомин	■ Оқтепа
■ Қоровултепа	■ Дегрез
■ Новка	■ Тўполонг
■ Хўжамушкент	■ Учқизил
■ Сармичсой	■ Жанубий сурхон

<p>Бухоро вилояти</p> <ul style="list-style-type: none"> ■ Куимозор ■ Тўдакўл ■ Шўркўл <p>Наманган вилояти</p> <ul style="list-style-type: none"> ■ Варзик ■ Резаксой ■ Жийдалисой ■ Заркент ■ Қорасув ■ Қорамурод ■ Косонсой ■ Куксерексой ■ Чортоқ ■ Эскиер <p>Тошкент вилояти</p> <ul style="list-style-type: none"> ■ Охангарон ■ Тошкент ■ Чорвоқ 	<p>Фарғона вилояти</p> <ul style="list-style-type: none"> ■ Каркидон ■ Қўрғонтепа ■ Шўрсув ■ Оқбиллол ■ Қизилбел <p>Қашқадарё вилояти</p> <ul style="list-style-type: none"> ■ Хисорак ■ Дехқонобод ■ Қалқама ■ Қамаш ■ Қарабоғ ■ Қизилсув ■ Лангар ■ Пачкамар ■ Талимаржон ■ Чимқўрғон ■ Шуробсой ■ Янгикўрғон ■ Нуғайли
---	---

Трансчегара сув омборлари

Чордара

Тўхтагул

Нурек

Қайроққум

Бундан ташқари Жаҳонда гидродинамик авариялар кўплаб содир бўлган;

Жумладан, 1923 йил Италия. Баландлиги 75 метр бўлган “ГЛЕНО” туғонининг бузилиши натижасида 5 млн.м³ сув дарё буйлаб пастга қараб оқиши натижасида 500 киши ҳалок бўлган.

1928 йил Калифорния. Баландлиги 80 метр булган “СЕНТ-ФРАНСИС” туғонининг бузилиши натижасида 40 метр баландликдаги сув оқими оқиши натижасида 600 киши ҳалок бўлиб, ушбу туғоннинг қурилиши инсониятга гидротехник иншоотларни нотўғри қурилиши хавфли оқибатларга олиб келишини исботлаб берган.

1953 йил Голландия. Денгиз тўлқинлари кўтарилиб химоя иншоотларини бузиб аҳоли яшаш пунктларини 9 метр баландликда сув босган. Натижада 2 минг киши ҳалок бўлиб бир қанча иктисодиёт объектларига зарар етказган.

Аҳолини ва ҳудудларни ҳалокатли сув босишдан муҳофаза қилиш чоралари қуйидагилардан иборат:

гидротехник ҳалокатлар эҳтимоли мавжуд ҳудудларда яшовчи ҳар бир киши унинг уйи, хўжалигини ҳалокатли сув босиш ҳудудида жойлашганлиги ҳақида маълумотга эга бўлиши керак;

Ўзгидромед, ФВВ/ФВБ, ҳокимият вакиллари томонидан берилган кўрсатмаларидаги гидротехник ҳалокатлар ва сув тошқинидан ҳимоя қилиш йўл- йўриқларига албатта амал қилиш лозим;

эҳтимоли бор ҳалокатли сув босиш зонасида истиқомат қилувчи аҳолининг фавқулодда вазиятдаги ҳатти-ҳаракатларга тайёгарлик даражасини ошириш;

муҳофаза тадбирларини ўқув машқлари кўринишда бевосита ўтказиш;

эвакуация эълон қилинганда ўзи билан олиши керак бўлган нарсалар (ичимлик суви, озиқ-овқат ва керакли хужжатларни) тайёрлаб қўйиш;

ГТИ ҳалокат содир бўлгандаги ҳаракатлар:

сув остида қолиши мумкин бўлган зоналардан аҳолини ва моддий бойликларни эвакуация қилиш;

дарҳол хужжатларни, қимматбаҳо ва керакли буюмларни,

2-3 кунлик озиқ-овқат ва ичимлик сув захираларини ўзи билан олиш;

зарур нарсаларни йўқолмайдиган қилиб саранжомлаб қўйиш;

чорва молларини хавфсиз жойларга ўтказиш;

ҳалокат юз берганда тўлқин зарбидан сақланиш учун шошилиш чоралар кўрилиб белгиланган баланд жойга, пишиқ иншоот устига чиқилади;

гидротехника иншоотлардаги ҳалокатлар юз бергандан сўнг сув таъминоти тизимини созлигини, устун ва деворларни ҳолатини, электр, газларни текшириш зарур;

агар одам иморат ичида (чердакда ва бошқа жойда) қолган бўлса,

қаердалигини белгилаб, қутқарувчилар мўлжал олиши учун сигнал (кундузи байроқча - кечаси эса фонус) осиб қўйилади.

Ҳалокатли сув босиш ва тошқин пайтида:

Аҳолини эвакуация (кўчириш) қилиш гидротехника иншоотлари бузилиш хавфи туғилган ёки бузилган ҳолларда ёхуд сув хавзаларидаги сув сатхи кўтарилиб кетганда (тошганда), шунингдек объектларни кундалик фаолиятининг турмуш кечириш шароитини таъминлаш тизимларини сув бузиб кетганда ўтказилади.

Аҳолини эвакуация (кўчириш) қилиш чекланган ёки маҳаллий таснифда бўлиши мумкин. Олдиндан ўтказиладиган эвакуация (кўчириш) қилиш эвакуация қилинадиган аҳолини йиғилиш пункти (ЭКАЙП) йўлга қўйилади (ишлаб чиқариш – худудий принципда). Олдиндан ўтказиш даври қиска бўлганда аҳолини эвакуация (кўчириш) қилиш худудий принципга биноан 1 ёки 2 босқичда эвакуация (кўчириш) оралик пункти (ЭОПни йўлга қўйиб) ўтказилади.

Халокатли сув тошқини юз берган худудда аҳолига хабар бериш тартиби.

Радиоэшиттириш ва телевидения (жўр овоз бўладиган радиоузатгичларни ҳам кўшиб) аҳолига хабар бериш ва оммавий ахборотни етказишнинг асосий воситалари ҳисобланади.

ФМ хабар бериш сигналлари орқали, халокатли сув босиш хавфи ҳақидаги огоҳлантириш, шунингдек юзага келадиган ҳатти-ҳаракат тартиби ҳақидаги ахборотни республика (маҳаллий) эшиттиришларида овозли хабар тарзида аҳолига етказилади.

ФМ хабар бериш сигналлари ва тегишли ахборот бутун худудга ҳам, шунингдек худудларни танлаб олиб (вилоят туманини) ҳам берилиши мумкин.

Масалан; Гидротехника иншооти объектида сув тошқини бўлганда мана бундай ахборот берилади: “Диққат барчага!!! “Фавқулудда вазиятлар вазирлиги шаҳар бошқармасидан (бўлимидан) гапирамиз... Фуқаролар! Сув тошқини содир бўлди. Зудлик билан белгиланган эвакуация йиғув масканига йиғилишингиз сўралади.”

Хулоса

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида гидротехника иншоотларидаги мавжуд бўлган сув захиралари халқ хўжалигини турли соҳалари (қишлоқ хўжалиги, энергетика, балиқчилик, сув транспорти ва бошқ.)ларда янада самарали фойдаланиш мақсадида кўплаб лойиҳалар илгари сурилмоқда. Бу лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишида иншоотлар хавфсизлиги масаласига алоҳида аҳамият қаратиш зарур, чунки ҳозирги кунда ортиб бораётган табиий офатлар қатори террористик хуружлар хавфидан муҳофазаланиш каби долбзарб муаммо вужудга келади.

Шунинг учун сув ресурсларидан чегараланган ўлкамиз шароитида улардан тўғри, оқилона фойдаланишда хавфсизлик чора-тадбирларини унутмаслик керак.

Ҳукуматимизнинг «гидротехник иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида» ги ва «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунларида белгилаб қўйилган хавфсизлик масалаларига қатъиян амал қилишда ҳукумат органлари ва кенг аҳоли ўртасида тегишли тадбирларни ўтказиб туриш шарт. Давлатимизнинг ҳозирги сиёсати умумий экологик тизимнинг муҳофазасини таъминлашга, инсон ҳаёт мухитининг турли қирраларини муҳофаза қилишга қаратилган.

Сел келиши хавфи бор жойлардан аҳолини эвакуация қилиш:

Бундай жойлардан аҳолини эвакуация қилиш сел оқими вужудга келиш хавфи туғила бошлаганда, сел вужудга келаётган даврда, алоҳида ҳолларда эса сел оқими таъсири тугаган ҳолларда ҳам ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 март 2002 йилда қабул қилинган №96 Қарорига кўра хавф даражасидан ҳамда Давлат геология кўмитасининг кўчки ҳодисаларини кузатиш давлат хизматининг кўрсатмаларига ҳамда “Бошгидромет” бошқармаси томонидан аниқланган ва вилоятлар ҳокимликларига берилган сел хавфи зонасидаги объектлар рўйхатига мувофиқ сел, тошқин-кўчки зоналаридаги шаҳарчалар, қишлоқлар ва хўжаликлар аҳолисини вақтинча бошқа жойга

кўчирсинлар, зарурат бўлганда эса уларни доимий яшаш учун хавфсиз туманларга режа бўйича босқичма -босқич кўчирсинлар деб кўрсатма берилган.

Бундай вазиятларда аҳолини эвакуация қилиш тадбирларини олдиндан ўтказилгани маъқул, сел вужудга келаётган ҳолларда эса шошилиш (кечиктириб бўлмайдиган) эвакуация ўтказилади.

Кўчиришнинг шошилиш бўлишини сел оқимидан муҳофаза қилиш 4 соатлик вақт доирасида, ундан кейин эса реал хавф туғила боришига қараб белгиланади. Аҳолини эвакуация қилиш чекланган ёки маҳаллий тавсифда бўлади, 2 босқичдан - ЭКАЙП ни йўлга қўймасдан, сел оқими жойининг ўзида; ундан кейин ЭКАЙП орқали режалаштирилган жойларга (ташлаб кетилган уйлар ва аҳоли яшаш жойларини сел оқими бузиб юборганда) етказиб қўйишдан иборат бўлади .

Хабар бериш олдиндан (тахминга биноан) ёки селнинг боши ташвиш дарвозасидан ўтганда (шошилиш кўчиришларда) амалга оширилади.

КЎЧКИ ХАВФИ БОР ЖОЙЛАРДАН АҲОЛИНИ, МОДДИЙ ВА МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИШ.

Бундай эвакуациялар қор кўчиш хавфи туғилганда, шунингдек кўчки тушиб бўлгандан кейин (турмуш кечиришни таъминлаш объектлари бузилганда) ўтказилади. Аҳолини эвакуация қилиш ҳудудий принципда, бир босқичда ўтказилади, чекланган таснифда бўлади ҳамда олдиндан ўтказилмайдиган, бунинг иложи бўлмаганда эса шошилиш бўлиши керак.

Ҳалокатли сув босиш ва тошқин пайтида.

Аҳолини эвакуация қилиш гидротехника иншоотлари бузилиш хавфи туғилган ёки бузилган ҳолларда ёхуд сув ҳавзаларидаги сув сатҳи кўтарилиб кетганда (тошганда), шунингдек объектларни рисоладек ишлаши бузилганда ва аҳолининг турмуш кечириш шароитини таъминлаш тизимларини сув бузиб кетганда ўтказилади. Бундай шароитда аҳолини эвакуация қилиш чекланган ёки маҳаллий таснифда бўлиши мумкин. Олдиндан ўтказилмайдиган эвакуацияларда ЭКАЙП йўлга қўйилади (ишлаб чиқариш-ҳудудий принципда). Олдиндан ўтказиш даври қисқа бўлганда аҳолини ва моддий ва маданий бойликларни эвакуация қилиш ҳудудий принципга биноан 1 ёки 2 босқичда (ЭОП ни йўлга қўйиб) ўтказилади.

ХАБАР БЕРИШ СИГНАЛЛАРИ ВА УЛАРГА БИНОАН АҲОЛИНИНГ ҲАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ.

Алоқа ва хабар беришни ташкил этиш.

Фуқаро муҳофазаси хавф - хатар ҳақида ёки унинг юз бериши мумкинлиги тўғрисида ўз вақтида хабар ва маълумот беришдан бошланади.

Аҳолига хабар бериш - бу юзага келиши мумкин бўлган, зилзила, сув босиши, ёки бошқа табиий офатлар ҳақида огоҳлантириш бўлиб, ўтган авария, катастрофалар ҳақида хабар беришдир.

Хабар бериш аҳолига тушунарли аввалдан белгиланган шартли сигналлардан (сирена овози, корхона ва муассасалардан бериладиган сигналлар) бошланади. Мақсад аҳолини эътиборини инсонлар ҳаёти ва саломатлигига хавф солувчи қандайдир вазият содир бўлиши мумкинлигига қаратиш ва бундай вазиятларда ҳаракат тартибини тушунтиришдан иборат.

Фавқулодда вазият юз берган жойда аҳолига хабар бериш тартиби.

Радиоэшиттириш ва телевидения (жўр овоз бўладиган радиоузатгичларни ҳам қўшиб) республика аҳолисига хабар бериш ва оммавий ахборотни етказишнинг асосий воситалари ҳисобланади.

ФМ хабар бериш сигналлари орқали, заҳарланиш ва ҳалокатли сув босиш хавфи ҳақидаги огоҳлантириш, шунингдек юзага келган ҳатти-ҳаракат тартиби ҳақидаги ахборотни республика (маҳаллий) эшиттиришларида овозли хабар тарзида аҳолига етказилади.

ФМ хабар бериш сигналлари ва тегишли ахборот бутун ҳудудга ҳам, шунингдек ҳудудларни танлаб олиб (вилоят туманини) ҳам берилиши мумкин.

Масалан кимёвий хавфли объектда авария содир бўлганда қуйидагича хабар берилади: **“Дикқат барчага!!!** Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (шаҳар бошқармасидан, бўлимидан) гапирамиз... (манзилда) Кимё комбинатида кучли таъсирчан заҳарли модда - хлор тарқаб, авария содир бўлди. Заҳарланган ҳаво булути ...xxxxxxx -йўналишида тарқалиб бормоқда. Қўйидаги шаҳар кварталлари ва вилоят аҳоли пунктлари кимёвий заҳарланиш зонасида қоладилар. Заҳарланиш зонасига тушиб қолган фуқаролар уйларида, муассаса, корхона, ўқув юртларидан дарҳол чиқсинлар шамол йўналишига перпендикуляр, энг қисқа йўл билан хавфсиз жойларга ўтсинлар. Ташқарига чиқишдан олдин ҳўлланган ёки 2% ли ичимлик сода эритмаси шимдирилган пахтали дока боғич нафас олиш учун оғиз бурунларга тақиб олинглар.

Кимёвий заҳарланиш ёки ҳалокатли сув босиши хавфи ҳақида **КТЭЗМ** бор объектларнинг диспетчерлари (смена муҳандислари) тўғридан тўғри уланган симлар (радиостанциялар) ёрдамида вилоятларнинг тезкор навбатчиларига хабар беради.

Шундай қилиб, ФВ хавфи борлиги ёки юзага келиши ва аҳолини ҳатти -ҳаракатлари ҳақидаги ахборотни тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида етказиш хабар бериш тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, унга оммавий ахборот воситалари бошқарув пунктларини, нозимлик хизматларини мос аппаратлар, хабар бериш маътнлари ёзилган аудио ва видео тасмалари билан аввалдан таъминлаб бериш орқали эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги" ги қонун. 26 май 2000 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги 1998 йил 7 октябрдаги 427-қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида"ги 558-қарори.
4. 1999 йил 20 август кунидаги «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2000 йил 31 декабр кунидаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги
5. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари (ўқув қуланма).